**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**
**«Олмалиқ КМК» АЖ**
**Бошқарув раисининг ходимлар ва**
**ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари в.б.**
**__________ С.Б. Шерматов**

**«__»___________2022 йил**

**ИМИЧБ карашли ер майдонларидаги етиштирилган ғалла ҳосилини ўриш ва йиғиб олиш бўйича хизмат кўрсатиш хизматлари**

харириди учун

# ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

## «Олмалиқ КМК» АЖ

Олмалиқ ш. 2022 й.

# ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

ИМИЧБ карашли ер майдонларидаги етиштирилган ғалла ҳосилини ўриш ва йиғиб олиш бўйича хизмат кўрсатиш

1. Ишларни бажаришдан мақсад – ИМИЧБ қарашли Тошкент вилояти, Охангарон туманидаги ер майдонларида етиштирилган ғалла ҳосилини қисқа муддатларда сифатли ўриш ва йўқотишларсиз йиғиб олиш.
2. Ижрочи 260,0 гектар ер майдонидаги ғалла ҳосилини бир вақтнинг ўзида, ишлаб чиқарилган йили 5 йилдан кўп бўлмаган, мукаммал соз ҳолатдаги камида 2 та комбайн ёрдамида, узлуксиз режалаштирилган 14 кун ичида ўриб тугатиши лозим.
3. Ижрочи комбайнларнинг транспортировка харажатларини ўз ҳисобидан амалга оширади.
4. Ижрочи ўриш ва йиғиб олиш хизматини кўрсатишда комбайн бошқарувчилари билан боғлиқ харажатларни, яъни операторларнинг яшаши, уларни озиқ овқат билан таъминлаш, тиббий хизматлар ва ҳакозоларни ўз ҳисобидан таъминлайди.
5. ИМИЧБ қарашли ер майдонларидаги етиштирилган ғалла ҳосилини ўриш ва йиғиб олиш бўйича хизмат кўрсатиш ишларини бажариш давомида режадан ташқари узилишларга йўл қўйилмайди.
6. Ижрочи юқорида кўрсатилган ишларни ташкил этиш ва амалга ошириш учун амалдаги сертификат ва лицензияларга эга бўлиши керак (агар қонун талаб қилса).
7. Ижрочи хизмат кўрсатиш жараёнида комбайнларнинг соз ҳолатда бўлиши билан боғлиқ мажбуриятларни, жумладан, эхтиёт қисмлари билан таъминлаш ҳамда таъмирлаш ишларини ўз бўйнига олади.
8. ИМИЧБга карашли ер майдонларидаги етиштирилган ғалла ҳосилини ўриш ва йиғиб олиш бўйича хизмат кўрсатиш ишларини Буюртмачининг ёзма буюртмаси асосида бажаради.
9. ИМИЧБ Ижрочи томонидан ажратилган ғалла комбайнларини ўриб ва йиғиб олиш учун кетадиган дизель ёнилғиси билан меъёр даражасида таъминлашни ўз зиммасига олади.

**ИМИЧБ бошлиғи в.б.** **Боликулов Т.**

**Моддий-техник таъминот бўлими бошлиғи в.б.** **Тўрақулов А.**